



Ўзбекистон МХХ сининг норасмий сайти бўлган Узметроном нашри 26-октябр куни “Бўрон кучли гумбурлайверсин” номли мақоласини эълон қилди.

## ЁЛҒОН ХАБАР

Ёлғон маълумотларга таянган бу мақолада “Ислом Каримовнинг мухожиротда яшаётган мурасиз рақиби Муҳаммад Солиҳнинг қароргоҳи” тўғридан-тўғри айбланган. «ГоскомСИТТ» идорасининг 25-октябр куни таркатган “дезинформация” ҳақдаги баёноти ва «Узметроном» сайти томонидан унинг талқин қилиниши айнан ёлғон тарқатишининг ўзидир.

Ўзбекистон президентининг оиласини остин-устун қилиб юборган сўнгги воқеалар (Гулнора Каримовнинг жияни Акбар Абдуллаевнинг камалиши ва ҳақозо) нафақат Гулнора Каримованинг ҳаёти, балки мамлакат кадрлар сиёсатига ҳам таъсир кўрсатди. Фикримча, юқорида қайд этилган дезинформация жанглари

Ўзбекистон ҳукуматидаги юқори бошқаруви ичида бошланган аланганинг учқунидир.

Гулнора Каримовга тегишли теле-радио каналларнинг ёпилиши ортидан МХХнинг юқори мулозимлари давлатнинг Биринчи Одамини объектив маълумотлар билан таъминлашдаги бепарволиги учун ишдан бўшатиш ва хавфсизлик хизмати бошлиғи Рустам Иноятов сўнгги давр ичида илк бор Каримовдан яхшигина «калтак» еганини биламиз.

У ерда Каримовдан кейин қоладиган мерос учун парда ортида махфий, шафқатсиз кураш бормоқда.

Бундай вазъиятда барча гумон ва айбловлар Ўзбек муҳолифатига юкланмаса, яна кимга юкланиши мумкин?

**Муҳаммад Солиҳ**  
Ў Х Х лидери



“Uzbek.FM Online radio” узлуксиз шаклда узатиладиган радиоканал Интернетда [uzbek.fm](http://uzbek.fm) домени остида фаолият юрита бошлади, деди ўзбек радиоси тўғрисида Озодлик саволларига жавоб берган канал бош муҳаррири Камоллидин Йўлдош.

## ИНТЕРНЕТДА ЯНГИ ЎЗБЕК РАДИОСИ ИШ БОШЛАДИ

- Радио Интернет орқали ҳам узатилиб, 24 соат узлуксиз бўлади. Ҳар куни Тошкент вақти билан кечаси 12 да шу кунги дастур бошланади ва кун давомида янги хабарлар билан янги-янгиланиб туради. [Uzbek.fm](http://Uzbek.fm) га кириб, шу жойда “Жонли” тугмачаси бор, ана шу ердан жонли тинглашлари мумкин.

Радио сайтида тингловчилар учун «овозли мактуб» хизмати йўлга қўйилган. Тингловчи радиога фикр-мулоҳазасини микрофон орқали ёзилган овоз тарзида юбориши мумкин. Камоллидин Йўлдош келажакда радиотўлқинларни фазовий каналлардан, сунъий йўлдошлардан узатиш режаси борлигини таъкидлади.

Камоллидин Йўлдош бу ра-

дио биринчи навбатда ўзбек тилида сўзлашувчи мухожирларга мўлжалланганини айтди.

Бизнинг ҳамкорларимиз Туркия, Россия, Ўзбекистон, Европа, Америкада ҳам бор. Кимга мўлжалланган десак, бу асосан ўзимизнинг ватандошларимиз ҳамда Ўзбекистон ташқарисидаги, Ўрта Осиё мамлакатларидаги Европа ва Америка китъасидаги меҳнат мухожирлари, яъни умуман ўзбекчани тушунадиганларга мўлжалланган.

Мазмуни ва контентига келадиган бўлсак, ҳозир Ўзбекистонга,

ўзбекларга тааллуқли бўлган маълумотларни бериб бориш ва мутахассислар, оддий тингловчилар фикр-мулоҳазаларини ёритиб бориш,- дейди Камоллидин Йўлдош.

Муҳаррир “Uzbek.FM” да маданият, санъат, спорт, тиббиёт, Ўзбекистон ва Марказий Осиё тарихига оид тахлилий мавзулар билан бир қаторда, инсон ҳуқуқлари, адолат ва эркинликлар учун кураш масалаларига алоҳида эътибор қаратилишини таъкидлади.

Ўзбек радиоси муаллифлари бу радионинг оддий тингловчиларга минбар сифатида хизмат қилиши ва келажакда жамоатчилик радиосига айлантириш истагида эканини яширмади. Бизда бир нечта мустақил

медиа-ресурслардан ташқари ўзбек тилида ижод қилаётган ресурслар йўқ. Шунинг учун бизнинг ташаббус гуруҳимиз иш бошлади.

Биз бирор давлат, ҳукумат ёки сиёсий-ижтимоий ҳаракатларга боғлиқ жойимиз йўқ. Биз Ўзбекистондаги вазиятга ислохот ўтказиш, ижобий тарафга ўзгартириш йўлида қилаётган ҳар қандай гуруҳ ёки фаоллар билан албатта ҳамкорлик қилиш ниятида-миз, улар учун эшигимиз доимо очик.

Аммо шунинг ҳам айтиш керакки, бизга ўз ёрдамини аямаётган дастакчиларимиз ҳам бор. Масалан,

Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг баъзи аъзолари биз билан ҳамкорликда, бошқа фаоллар ҳам бор. Ижодкор гуруҳимиз белгилаган тамойилларимиз – бу объективлик, холислик.

Сухбат сўнггида бош муҳаррир Камоллидин Йўлдош барча тингловчилар учун “Uzbek.FM Online radio” эшиги доимо очик эканини алоҳида таъкидлаб, уларни ҳамкорликка чақирди.

Маълумки, бугунги кунда Марказий Осиё минтақасидан ташқарида ўзбек тилида “Озодлик”, “Би-Би-Си”, “Америка овози”, “Эрон ўзбек радиоси”, Ўзбекистон Халқ ҳаракатининг “Туркистон” медиа-портали радиоси фаолият юритиб келади.

Ўзбекистонда, инқилоб бўладими? деган саволлар, ҳозир жуда кўпчиликни ташвишлантира- япти. Менга берилган бундай савол- ларга,

**-Албатта! Деб жавоб бераян- ман**

Бугун, жамиятимизда ижтимоий тенгсизлик авжида. Ундаги, тенгсиз- ликлар гирдобини санаб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Биргина ушбу мақолани, Республиканинг расмий

мад кўрсаткичларидан пастдир.

Оила деган муқаддас иншоат, пухта пойдевор(фундамент) усти- га қурулиши керак. Шунинг учун ҳам, Ўзбекчиликда фарзандларни никоҳлаш амаллари ўзига хосли- ги билан машҳурдир. Иккита ёшни унаштирётган томонлар (қудалар), вазятнинг жуда кўп жиҳатларга эъ- тибор берадилар. Ўзаро келишувлар ва истиқболли вазифалар, ҳаммаси ўртага қўйилиб, ўзига хос дипло- матия билан маслаҳат қилинади. Ниҳоят келишилади. Катта харажат-

Ғарбча шаклига интиляптилар. Бўлғуси ота ва оналар, ўзларининг ҳаётидаги ўткинчи муоммаларини, олдинга планга сураяптилар.

Ёшларимиз онгида негатив(Исломга ёт) ҳолатларга пул, зино ва ҳаёт зийнатларига ин- тилиш устунлик қилаяпти. Оила- нинг муқаддаслиги, кейинги планга чиқиб кетди. Натижада, ёшлар ор- сидаги йиллик ажримлар сони, йил- лик никоҳлар сонининг яримидан кўпирогини ташкил қилаяпти. Бу кўрсаткич, ғарб мамлакатларидаги

## ЎЗБЕКЧИЛИК МАҒКУРАСИ

ОАВда чоп қилиб бўлмаслиги, жа- миятимиздаги адолатсизликнинг ёркин далилидир. Жамиятимизда, инқилобий вазийят яқинлашмоқда. Лекин, ҳали вақти аниқ эмас.

Жамиятимиз аъзолари, инқилобий ўзгаришларни қўллаб қувватлашга тайёрдирлар. Лекин, инқилоб иш- тирокчиси бўлишга тайёр эмаслар. Сабаби, миллатимизда билмасдан бировнинг ёки ҳукуматнинг ишини танқид қилиш ва унга қарши бориш, жиддий иш ҳисобланмайди. Мухоли- фатчиларнинг, жорий ҳукумат кам- чиликларини танқид қилиб оммога етказишда, шароит етишмаяпти.

Фарзандлар туғулганда, чиройли исм билан номлаш, уларни ёшли- гидан хунарга илмга ўргатиш, ўғил уйлантириш ва қизини турмушга бэриш, асрлардан, бери ўзбек ои- лаларининг устувор вазифалари ҳисобланиб келган. Ислом дини кўрғазмаларига асосланган, оилани маънавий ва иқтисодий бошқариш амалларига, ўзбекчилик деб айтила- ди.

Ўзбеклар жамоаси, ўз ватанида бўлсин, хорижда бўлсин, улар ўзига хослиги билан, бошқа миллатлардан ажралиб турадилар. Биз ўзбеклар, ювошимиз, ким нимани буюрса “лаб- бай” деб бажараверамиз. Ва ким нима деса, ишонаверамиз. Чунки бизнинг қалбимизда ўзбекчилик деган исло- мий хусусиятлар(категориялар) бор.

Оиламизга бош бўлишга ҳаракат қиламиз. Молу-дунё орт- тирамиз. Ўзимизни ўтга ва чўққа уриб меҳнат қиламиз. Даромад из- лаймиз. Фарзандларимизни ҳам, шунга ўргатамиз. Чунки Исломда ва Ўзбекчиликда оила муқаддас ҳисобланади. Оилани, моддий таъ- минлаш лозим ва буни эркак киши амалга ошириши керак.

Мамлакатимиздаги ишсизлик, кўпчиликка яшашнинг минимал да- ромад топиш имкониятини ҳам бер- маяпти. Иш билан таъминланганлар- нинг даромадлари эса, инсон кадри билан белгиланган, минимал даро-

лар ва шодиёналар билан, икки ёш никоҳланади ва тўй ўтказилади.

Ёш оиланинг мустақамлиги ва мустақиллиги учун, тўйдан кейин ҳам, ота оналар курашадилар. Чунки, Ўзбекчиликда оила мустақамлиги, обрўдир. Оилалар муқаддас ҳисоблаган жамоада, албатта оила бахтли ва фаравон бўлади. Фаравон оилалар жамоси, фаравон мамлакат дейилади. Демак Ўзбекчилик, мил- лат ва мамлакат равнақи устунлари- дан бири экан.

Оиланинг муқаддаслигини, ком- мунизм ва Каримов мустақиллиги маънавиятчилари, “оила давлат ячейкаси” деб тафсил қиладилар. Оила ва давлат мунасабатларида, оила манфаатлари иккикнчи план- га қўйилган. Давлатимиз қонун- қоидалари матнларида, оила ва фуқороларнинг манфаатлари, тўлалигича ифода этилмаган.

Демократия мамлакатларида ҳам, Каримов режимда ҳам оила- нинг асл маънавий моҳияти инобат- га олинмаган. Ғарбда аёл ва эркак, жамиятда ижтимоий тенг ҳуқуқли ҳисобланади. Эркак ва аёлнинг ин- дивидуал хоҳишлари ҳам тенглик нуктаи назаридан қаралади. Ҳар бир индивидум, ўз хоҳишларини алоҳида амалга оширадилар. Натижада, эр билан хотин муносабатлари орасида, ортикча масофа пайдо бўлади.

Мусулмончиликда(ўзбекчиликда) эр билан хотин, икки ярим бир бу- тун яъни, бири бировининг яри- ми ҳисобланади. Менинг жуфти ҳалолим, менинг ёрим, менинг сев- гилим. Ўзбекчиликда оила моҳияти, мана шундай бир гўзал мазмунга бо- риб тақалган.

Бугун, миллатимизнинг ўзбекчилик(миллийлик) шаклига, унинг барча жабҳаларига дарз кэт- ган. Президентимиз, “фарзандлар- им” деб атаган ва президент руҳида тарбиялаган, бугунги никоҳ ёшидаги фуқораларимиз қалбида ўзбекчилик кадрятлари, тасодифдир. Ёшлари- миз, оиланинг “замонавий”, яъни

статистикага яқиндир.

Бизнинг ёшларда, Ғарб жами- ятидагидай, эркин севги ҳислари ҳам, тез ривожлана япти. Дунёнинг ҳавосини уйғотган Ўзбекчилик, жумладан оила муқаддаслиги, ўзбекларнинг истемол доирасидан ташқарига чиқиб кетаяпти.

Биз, ижтимоий ва маиший ҳаётимизда яъни, меҳмонни кутиб олишдан тортиб то чақалокни бе- шикка белашгача бўлган амалларда, ўз миллийлигимизга эгамиз.

Бошқа мусулмон миллатлар жамо- асида, тўй хашамнинг ва аналар- нинг ўтказилиши, ҳар бир оила учун, мажбурият ҳисобланмайди. Оила, қўлидан келганича иш қилади. Ҳар бир ўзбек оиласи эса, диний ва тўй маросимларни, ўз мажбуриятлари деб ҳисоблайдилар. Ўзбекчиликда, оилалар бу тадбирларга, бир умур тёрланадилар. Бу унинг айби эмас, бу унинг ижтимоий ва маънавий ютуғидир.

Ўзбекчиликда, одоб ва ахлоқ нормалари, маданий ва маиший му- омулалар, урф-одатларимиз ҳам Ислом кадрятларига асосланган. Биз, Ўзбекчилик билан туғуламиз. Ўзбекка, ўзбекчилик Исломдан олдин келади. Чунки, биз Ислом- га маърифат билан эришамиз. Ўзбекчилигимиз эса оиламиздан, маҳалламиздан мерос ўтади.

Ўзбеклар оиласида янги кун, бомдоддан бошланар эди. Эрта тонг ҳамма уйғониб, болаларнинг ота оналарига саломларидан бош- ланади. Бисмиллоҳ... деб нонуш- та қиламиз. Яратганнинг берганига шукур қилиб, берган ризкига Омин қиламиз. Оллоҳга таваккал қилиб, ишли ишимизга тарқаламиз. Йўлда, учраганга салом берамиз. Учраш- ганда, суҳбат олдида бирбирови- миздан ҳол ахвол сўраймиз. Оғир кунларида, қўшнимизга таъзия изхор қиламиз. Хурсандчилик кунлари эса, муборакбод қиламиз. Бу фазилатлар ўзбекчиликка ва ўзбекларга хосдир.

*(Давоми кейинги саҳифада)*

## ЎЗБЕКЧИЛИК МАФКУРАСИ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Ўзбекчиликнинг чиройли фази-латларидан яна бири, бу тўй маърака ва йиғилишларда ўтказилиши шарт бўлган Амри маъруф амалларидир. Амри маъруф амаллари, 15-20 минутлик долзарб мавзудаги, эл домласининг жамоага қиладиган маърузасидир. Йиғилганлар бу маърузани ҳамиша одоб хушфеллик билан тинглаганлар ва тинглайдилар ҳам. Бу маърузаларнинг жамият аъзоларига берадиган таълим ва тарбияси, жуда юқоридир.

Агар, Исломга жамият минбаридан сўз берилмаса, халқимизнинг оломонга айланиб қолишини, миллатимиз душманлари жуда яхши тушунганлар. Оломон, яхши бошқарилмайди. Оломонни бошқаришда, айтганини қилдирадиган ва халқни алдаб биладиган югурдаклардан фойдаланилади. Бундай жамиятда зулум, ўз-ўзидан пайдо бўлади. Мана 150 йилдан ортиқроқ давр ичида, жамиятимизда, биз Ислом таълимотини тўлақонли ўзлаштиришдан махрум бўлдик. Лекин, бизни Ислом билан тўйинтирилган ўзбекчилигимиз (миллийлигимиз), динимизни ташлаб кетишга йўл қўймади. Миллийлигимиз сабабли, биз мусулмон бўлиб қолавердик.

Бугун, элда маънавиятсизлик кучайиб борапти. Маънавияти суёт миллат, иқтисодий ва ижтимоий ривожлана олмайди. Миллатимизнинг тарихи, маданияти, ахлоқи ва одоби Ислом билан чамбар час боғлиқдир. Шунинг учун ҳам маънавиятимизни ривожлантиришда, фақат Исломга мурожаат қилишимиз даркор. Минг афсуски, бугун ҳам Ислом илмидан мутлақо беҳабар тарғибчилар, бизга Исломдан яна “дарс” беришга шайланаптилар. Улар, Исломнинг жамиятадаги ўрни қатъий чегараланганлигига, омmani ишонтирмоқчи бўлаяптилар. Айниқса, ўзларини демократ деб номлаётган жамоалар, шу иш билан шуғулланаптилар.

Каримов режими, жамият аъзоларимизнинг Исломга бўлган интилишларини мутлақо заифлаштирди. Бу сай ҳаракатларнинг барчаси, жамиятимизга ва ўзбекчилигимизга, тўғридан тўғри етказилаётган зарардир. Шунинг учун ҳам, миллийлигимиз нотўғри ва ёмон томонга ўзгарапти.

Жамиятимизда, Исломнинг ўз ўрни бор. Бўлажак инкилобнинг биринчи вазифаси, жамиятда Исломни ўз ўрнига қўйишдир. Ислом, халқ онгига аста секинлик билан сингади. Бу аста секинлик режими, жамиятимиз ва ўзлигимиз ривожининг, бирдан бир тўғри йўлидир.

Аллоҳ, бизни ҳеч кимдан кам кўрмасин. Ҳеч кимдан кам қилмасин. Амин.

Нуратдин



## ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛЛАРИ МХХ ВА ИББ НИНГ “ОДАМЛАРИ” МИ?

Шу йилнинг ноябр-декабр ойларида Ўзбекистонда фуқаролар йиғинлари раислари: оқсоқоллар ва маслаҳатчиларининг навбатдаги сайлови бўлиб ўтади.

Бу йилги сайловда ана шу мансабларга даъвогарлар орасида республика Ички ишлар вазирлигида ишлаб, нафақага чиққан миршаблар ҳам бор.

Улардан бири Тошкент шаҳар Чилонзор тумани “Боғистон” маҳалла раиси вазифасини бажариб келаётган собиқ миршаб Умаржон Худойбергановдир.

Худойберганов “Боғистон” маҳалласидаги фаолиятини шу йилнинг март ойидан бошлаган эди. Келгуси икки ойда бўлиб ўтиши кутилаётган сайловларда Худойберганов Тошкент шаҳар, “Боғистон” маҳалла раислигига ўз номзодлигини кўрсатган.

Сайловга тараддуллар арафасида “Боғистон” маҳалла фаоллари Худойбергановга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилди. Аммо “бу саволларга жавоб беришимдан олдин тегишли идоралардан рухсат олишим керак”, деб жавоб берди у.

“Келажакда маҳалла раислигига сизни ўша “тегишли идоралар” сайлайдими?,- дея сўради маҳалла фаоллари.

“Мен ўша тегишли идораларнинг тавсияси билан ҳозирда маҳалла раислигини вақтинча бажариб турибман. Шундай экан албатта улар билан маслаҳатлашган тарзда иш тутишга мажбурман,- деди собиқ миршаб Худойберганов. Маҳалла фаоллари унга ўз фаолияти давомида маҳалладаги ночор оилалар, етим-есирларга ғамхўрлик кўрсатмаётгани, уларнинг ҳолидан хабар олмаётганини эслатди.

“Маҳалла ота-онанг. Маҳаллада етим-есир бор. Сиз маҳалла раиси сифатидан уларнинг ҳолидан тез-тез хабардор бўлиб туришингиз керак. Давлат томонидан уларга ажратилаётган моддий ёрдамларнинг ўз вақтида тарқатиб берилишини назорат қилиб туриш ҳам раис сифатида сизнинг вазифангиз. Бу ёрдамлар ўз эгасига етиб бормаяпти, аксинча “домком” лар жиғилдонига тушиб қолаяпти, — дея шикоят қилишда давом этдиган маҳалла

фаоллари Худойберганов келгусида раислик курсисига ўтириб қолса, бу муаммоларни бартараф қилиши ёки қила олмаслиги билан қизиққанлар.

Худойберганов бу саволларга ҳам “тегишли идоралар” билан маслаҳатлашиб жавоб беришини айтди.

“Тегишли идора ким?,- дея берилган саволга жавобан Худойберганов “Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати”,- дея жавоб қайтарди.

Умаржон Худойберганов яна “ана ўшаларнинг топшириғи билан ишлаймиз”, деди.

“Демак бундан қикди эртага маҳалла раислигига ҳам сизни МХХ “сайлар” эканда?. Фуқароларнинг маҳалла раисларини сайлаш ва уни ишдан четлатишда ҳеч қанақа алоқаси йўқ эканда? , деди ажабланиб “Боғистон” маҳалласининг номзод билан учрашувга борган вакиллари.

Худойберганов асабийлашиб, тилини тишлади ва жим бўлиб қолди. Сўнгги йиллар “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунга хилоф тарзда иш кўрилаяпти. Сайловлар шаффоф ва адолатли бўлмаяпти.

Ҳали юқорида Умаржон Худойберганов ўзи эътироф қилганидек, сайловларда МХХ ва ИББ бош-қош бўлаяпти. Зотан ҳозирги вақтда маҳаллалардаги фаолларга нисбатан олиб бораётган муттасил таъқиб-таъйиқларда ана шунақа собиқ миршабларнинг “улуши” бор. Бу йилги сайловларда республика бўйича 9756 нафар раис ва яна 97 минг маслаҳатчи сайланади.

ЎҲҲнинг хабари  
Тошкент

Ўзбекистон асосан пахта хом ашёсини етиштиришга мослашган районларга бўлинган. Совет Иттифоқи даврида пахта етиштирувчи ҳар бир район давлатга 30-40 минг тонна пахта етказиб берад эди.

Пахта заводлари шу миқдордаги пахта хом ашёсини қайта ишлашга мўлжалланиб қурилган. Бугунги кунда бир йилда 3 млн тонна пахта хом ашёси “етиштирилади”. Бу миқдор

Дренаж тизимлари ишламаслиги, кимёвий дориларнинг керагидан ортиқча сарфланиши, агротехник коидаларга риоя қилмаслик натижасида асосий экин майдонларида тупрок структураси деградацияга учраган.

Ерларни қора шўр босиб кетган. Бундан ташқари маъмурий-буйрукбозликка асосланган пахта етиштириш услуги ҳам ҳосилдорликнинг пасайиб кетиши-

зиғулик пахта қолмайди. Давлат режаси эса ярим йўлда ётибди. Мана энди Иттифок давридан мерос бўлиб қолган сценарий бошланади, яъни қўшиб ёзиш.

Республика вилоятдан, вилоят райондан, район эса пахта тозалаш заводидан йўқ пахтага тарих топширилганлик тўғрисида маълумотнома талаб қилади ва маълумотнома берилади.

## ПАХТА ЗАВОДИНИНГ СИРЛАРИ

албатта районларда етиштирилган хом ашё ҳисобига амалга оширилади. Пахта териш мавсуми бошланиши билан кундалик режаларнинг бажарилиши ҳақида статистик маълумотлар тўплаш, тарқатиш тизими ишга тушади ва албатта бу маълумотлар энг юқори орган-Президент маҳкамасига етказилади. Сабаби ҳаммамизга маълум, ҳар йили Президент пахта йиғим-теримини шахсан кузатиб боради. Чунки пахта – “бизнинг бойлигимиз”.

Пахта йиғим-терим ҳисоботи асосан пахта тозалаш корхоналарига топшириладиган маҳсулот миқдори асосида олиб борилади. Маълумки Ўзбекистон ерларининг мелиоратив ҳолати жуда абгор аҳволда.

га сабаб бўлади. Ҳар йили район, област, республика миқёсида пахта етиштириш соҳасини тартибга солиш учун махсус гуруҳлар тузилиб, сафарбарлик эълон қилинади.

Натижада бу соҳани билмайдиган вврчлар, ўқитувчилар, бухгалтерлар, курувчилар, ички ишлар ходимлари, ҳокимият органлари хизматчиларидан иборат комиссия аъзолари фермерларнинг бошида туриб олиб, қачон экиш, қандай экиш, қачон сўғориш, дори солиш кераклигини ўргатиб туришади. Уларнинг айтганини қилмаган фермер албатта ҳоким олдида жавоб беради. Натижа эса маълум. Аслида пахта йиғим-терим мавсуми 15-20 кун, ундан у ёғига далада теришга ар-

Ниманинг эвазига? Фермерларга йўқ пахтани топширганлиги тўғрисидаги ҳужжатларга асосан. Шу вақтдан бошлаб йўқ пахта савдоси бошланади.

Тоннаси 120 доллардан. 1 млн тонна пахта қўшиб ёзилса 1 млрд 200 млн доллар пахта саноати соҳаси раҳбар ходимларининг чўнтагига тушади. Кимга қанча тегиши алоҳида мавзу. Хуллас йўқ пахта топшириш, қабул қилиш, қайта ишлаш, сотиш операцияларидан аста секин ўта бошлайди. Бу орада ревизия, коррупция, прократура текширувлари бўлади ва улар ҳам ўз улушларини олишади. Олдиберди келишилмас завод раҳбарияти қамалади. Чунки камомад бор...

**Нозим Низомов**



Наманганлик Мухтарам опа ва Носиржон акалар ҳам эзгу ниятлар турмуш қуришган эди. Бироқ орадан йиллар ўтсада уларнинг хонадониди чақалок йиғиси эшитилмади.

Шу тариқа ёшлари қирқдан ҳам ошди. Носиржон ака аёлига фарзанд асраб олиш ҳақида маслаҳат солди. Улар Тошкент шахрига келиб Меҳрибонлик уйларида бирини излаб топишди. Бир-биридан ширин болалар... Болалар орасидан кош-қўзлари қоп-қора, уч-тўрт ёшлардаги бола эр-хотиннинг эътиборини тортди.

—Шу болани обкетамиз эр-хотиннинг яккаш қарори шу бўлди. Ҳамма ҳужжатлар расмийлаштирилгач улар болани олиб Наманганга қайтишди.

Унга Умид деб ном қўйдилар. Умидни ҳеч кимдан кам қилмай ўстиришди. Аммо... бола эр-хотин кутганидек қобил ва солиҳ фарзанд бўлиб етишмади. Мактабда ҳам қойиллатиб ўқимади. Тайинли касб-ҳунарни ҳам бошини тутмади, катта бўлганда ҳам ота-онага юк бўлди.

Умид кайф-сафога, маишатга суяги

йўқ йигитга айланди. Роҳат кўриш умидида бола асраб, емай, ичмай вояга етказган Носиржон ака ҳам ноумид бўлиб дунёдан ўтиб кетди. Айни шу мақсадда ўғлини уйга киритмасликни сўраб, аввал маҳалла оксоқолларига сўнгра судга мурожаат қилди. Бироқ Мухтарам опа барибир ўғли билан бир уйда яшашни истамади. Уни уйга киритмасликка ҳаракат қиларди. Бир кун онаси йўқлигида уйга кириб келди, ҳеч нарса

## НОН БЕРГАННИ ЖОНИ ОЛИНДИ

бўлмагандек хонасига чиқиб телевизор кўриб ўтирди. Меҳмондорчиликдан қайтган она дарбадар ўғлини кўриб авзойи бузилди.

—Икковимизни ҳам умидларимизни чилпарчин қилдинг бу уйда сенинг ҳаққинг қолмаган деди, у

—Ҳа, ўгай, асрандисан демоқчимисиз? Аслида сизлар мени Тошкентдан бу ерга олиб келмаганларингда мен ўша ерда ўқиб, катта одам бўлиб кетардим. Сизлар келажагимни расво қилдиларинг, дея ўшқирди.

Хуллас, даҳанаки тортишув жанжалга айланди. Умид Мухтарам опани аввал уриб ерга йикитди, кейин уни дуч келган ерига дўппослай бошлади. Аёлни ёрдамга чақирмаслиги учун оғзини латга билан боғлади. Қўлларини ҳам чандиб уни бўға бошлади. 66 ёшли аёлнинг кучи 26 ёшли навқирон йигитга етармиди? Аёл йигитнинг қўлида типирчилаб-типирчилаб жон берди.

Умид онасининг ўлганига ишонч ҳосил қилиш учун унинг юрагига кулок солди. Тинч. Ҳа, у 22 йил боқиб катта

қилган онасини ўз қўллари билан бўғиб ўлдирган эди.

Умид аввалига жасадни ертулага обкириб қўйди. Орадан икки кун ўтиб ертуладан нохуш ҳид чиқа бошлади. Кунлар иссиқ... Жасадни йўқотиш пайига тушди. Уйдан солярка топиб чиқди, жасадни ҳовлига олиб чиқиб устидан солярка сепиб ёқиб юборди. Атрофни куйган гўшт хиди тутиб кетди. Қўшнилари бу уйдан чиқаётган тутун ва

нохуш хиддан шубҳага тушишди. Умид жасадни ёқиб қолдиқларини ҳовлининг бир четига кўмиб ишни энди битирган пайтида эшик тақиллаб қолди. Бўсағада маҳалла оксоқоли ва посбон турарди.

“Уйдаги чиқиндиларни ёқвордим”, деди Умид олазарақ боқиб. Қанақа чиқинди экан, қаерда ёқдинг, сўрашди улар. Тутун ва ачимсиқ хид бутун ҳовлини тутганди. Чиқинди ёқилган ерда эса ёғ излари ялтиларди. Оксоқол ва посбон ҳовлининг барча ерини кўздан кечира бошлади.

Яқиндагина қазилган жойни кўриб масалини тушунишган эди. Умиднинг барча айбини бўйнига олишдан бошқа иложи қолмаган эди.

Суд унинг хатти ҳаракатларига нисбатан муносиб жазо бергандир балки, аммо виждон олдидаги жавобгарликдан икки дунёда ҳам қутила олмаслиги аниқ...

(Наманган вилоят прокуратураси бўлим прокурори Илҳомжон Раҳмонов маълумотлари асосида ёзилди).

**УХХ ахборот бўлими**

Халқимизда шундай ҳикматли гап бор:

“Неча-неча яхшилардан бир ёмон пайдо бўлур, ул ёмоннинг дастидан мавж урган дарё қурир”.

Воқеа Косоннинг Жиззалик маҳалласида яшовчи Санобар Очиловнинг уйдан чиқиб, бир ойдан ошиқ бедарак кетганидан бошланди. Санобарнинг 25 ёшли акаси Лазиз Очилов синглизини излаб топишга уринди.

Унинг суддаги кўрсатмасида айтилганидек, 2012 йил 26 ноябрда уйдан чиқиб кетган синглизини Санобар аввалига телефон қўнғироқларига жавоб бермайди, кейинчалик телефонни ўчириб, бошқа сим карта қўйиб олади.

Улар телефон орқали бир-бирларини оғзаки ҳақоратлашгача борадилар. Лазиз синглизидан қўл телефонида рақами ёзилган Абдорнинг кимлигини, у билан ораларида қандай муносабат борлигини сўрайди. Синглизини танишини, телефонда гаплашиб юрганини, яшаш жойини билмаслигини айтади.

Лазиз Очилов билан Абдор Қосимов 2013 йилнинг 1 январидан 8 январигача телефонда оғзаки тортишиб, бир-бирларини ҳақоратлаб, бир-бирларига ҳақоратли хабарлар ёзишади.

Лазиз Абдорнинг чап билагида операциядан қолган чандиқ борлигини билиб олади. Уни юзма-юз гаплашиб олиш учун Косон ва Қарши

У Лазиз, Мирза ва Илҳомга Озода Юсупованинг уйида кутиб туришини айтиб, қатта тоғаси Отабек Аминов билан Косонга қайтишади.

У Косонда амакиси Зоир Ражабовга мавжуд аҳволни тўлиқ айтиб, Мирза билан Илҳом уларни Талешбеда, Озоданикида кутиб туришганини, улар излаган йигит Толешбега борса, уни ўша ерда ушлаб олиб, уриб ўлдиришларини айтади.

Шу мақсадда келишиб олишгач, Лазиз Очилов ва Отабек Аминов Зоир Ражабов билан биргаликда, Зоирга тегишли бўлган “Урал” русумли транспорт воситасида Толишбега қайтишади.

Шу тариқа Лазиз Очилов бошчилигида тузилган уюшган жиноий

## КОСОН ТОҒИДА ЁНГАН ОДАМ

**ШУ ЙИЛ ЯНВАРЬ ОЙИНИНГ 14-КУНИ ТАРҚАЛГАН ХАБАР КОСОНЛИКЛАРНИНГ КЎПИНИ СЕСКАНТИРИБ ЮБОРДИ. ТУМАН ТОҒИНИНГ ЧЕККАСИДАН ИЧИДА 2 КИШИ БЎЛГАН МАШИНА ЁҚИБ ЮБОРИЛГАН...**

Лекин бир ойлардан сўнг, яъни 2012 йилнинг 27 декабрь куни тўсатдан Косон шахрининг Арабхона маҳалласида яшайдиган хола-сига қўнғироқ қилади, лекин ўзини таништирмайди. Холасининг ўғли Мирза Боборажабов ўз телефони орқали қайтадан Санобарга қўнғироқ қилиб, унинг ким эканлигини аңглайди, аммо ўзининг кимлигини билдирмайди. Узоқ вақтлардан буён қўришмаганлиги сабабли Санобар ҳам унинг овозини танимайди.

Бундан хабар топган Лазиз Мирзадан Санобарга қайта телефон қилиб, ўзини гўёки у билан яқинроқ танишмоқчидай кўрсатишини, бошқа ном билан аташни, иложи бўлса, учрашишга қўндиришини сўрайди. Шу тариқа улар Санобарнинг Тошкент шаҳрида эканлигини билиб оладилар. Телефонда Мирза ўзини Бобур, деб таништиради ва Санобар билан Тошкент шаҳрида, Чилонзор метроси ёнида, янги йилнинг биринчи кунини учрашишга келишадилар. 1 январь куни Тошкентга етиб боришган Лазиз Очилов, унинг отаси Ғайрат Очилов ҳамда Мирза Боборажабов келишилган жойда Санобарни топишади ва эртаси кунини ҳаммалари Косонга қайтишади.

Лазиз синглизини Санобарнинг қўл телефонидаги “Абдор ака” деб ёзиб қўйилган рақамдан келган қўнғироққа жавоб беради. У телефон қилган кишидан кимлигини сўрайди. Қўнғироқ қилган йигит “Санобарнинг акасиман, ўзинг кимсан?” – деб жавоб беради. Бу савол-жавобдан сўнг Лазиз Очилов билан қўнғироқ қилган йигит Абдор Қосимов ўртасида тортишув юзага келади.

шаҳарларининг турли жойларига учрашишга чақиради. Абдор бу жойларга келмайди. Лазиз Очилов жияни Мирза Боборажабов билан бирга Абдорни топишга кўзлари етмагач, 2013 йил 8 январда тоғаси Илҳом Аминовга мурожаат қилади. Лазиз тоғасидан бу йигитни топишга унинг таниши бўлган қиз-Озода Юсуповани жалб қилишни сўрайди.

Илҳом Аминов ўзига таниши бўлган Касби туманининг Талишбе қишлоғида яшайдиган, ушбу тумандаги 9-мактабнинг 8-синф ўқувчиси, 1998 йил 12 декабрда туғилган, вояга етмаган Озода Юсуповага Абдор Қосимовнинг телефон рақамини бериб, бу йигит билан телефон орқали танишишини ва бирор жойга учрашувга чақиршини тайинлайди.

Бу илтимосининг сабабини изланаётган йигит “бир жиянининг тилла тросини ва 30 минг сўм пулини ўғирлаб кетган, уни топсак, ўлдирамиз”, — деб изоҳлайди. Бу илтимосга Озода Юсупова розилик билдиради ва Абдор Қосимов билан телефон орқали танишиб, 2013 йилнинг 8 январидан 13 январигача ғойибона гаплашиб туради. У суҳбатлари мазмунини Илҳом Аминовга ва Лазиз Очиловга телефон орқали етказиб беради.

Озода телефон орқали Абдор билан Косон-Касби йўлида, ўзи яшайдиган Талишбе қишлоғидаги бекатда 2013 йил 13 январь кеч соат 17 дан 30 дақиқа ўтганда учрашишга келишиб олади. Шу куни Лазиз Очилов жияни Мирза Боборажабов, тоғалари Илҳом Аминов ҳамда Отабек Аминов билан биргаликда кечга яқин, соат 16 яримда Талишбе қишлоғига боришади.

гурух вояга етмаган қизни жиноятга жалб қилиб, ўз сафига қўшиб олиб, Абдор Қосимовни ўлдириш ҳақида жиноий режа тузади. Уюшган жиноий гурух аъзоларидан Лазиз Очилов, Илҳом Аминов, Зоир Ражабов Талишбега мотоциклда етиб келишиб, Озода Юсупованинг уйдан 1 дона 6 сантиметр узунликдаги темир бўлаги ва 2 дона таёқ олиб, Абдорнинг келишини кута бошлайди.

Улар Озода Юсуповани уйда қолдиришиб, бешаласи Зоир Ражабовнинг “Урал” мотациклида қишлоқ ички йўли орқали Касби-Косон йўлидаги Талишбе қишлоғи бекати сари отланишади. Озодага Абдор билан телефон орқали гаплашишини, у келганда хабар беришини тайинлашади. Кеч соат 20 лар чамаси Озода Юсуповадан 18 П 1657 рақамли сариқ “ВАЗ 2106” русумли жигулида Абдорнинг Талишбе томон келаётганлигини билиб олишади. Зоир Ражабов бошқариб бораётган “Урал” мотоциклидаги беш киши Талишбе қишлоғидан қатта йўлга чиқаверишда сариқ жигули уларнинг ёнидан ўтиб кетади.

Қишлоқ томон бурилган машина йўл ёқасида тўхтади. Унда ўтирган йигит телефонда гаплашаётганди. Лазиз Зоирга мотоциклни буриб, шу машина изидан бориб тўхташни айтади. Лазиз тез бориб машина эшигини очади ва рулдаги йигитнинг қўлидаги телефони тортиб олади.

Йигитнинг телефонида ҳозиргина Озодага қўнғироқ бўлганди. “Сен Абдорсан?” — сўрайди Лазиз йигитдан. “Мен Абдорнинг дўсти Фарруҳман Абдор-  
(Давоми кейинги саҳифада)

## КОСОН ТОҒИДА ЁНГАН ОДАМ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

нинг қўл телефонини ишлатиб юрибман, олганимга уч кун бўлди”, — деб жавоб беради йигит.

Лекин Лазиз бирдан машинадаги йигитга ташланиб уни ура бошлайди. Лазизга тоғаси Отабек Аминов ва бошқа шериклари ҳам ёрдамлашади. Улар машинадаги йигитни тушириб олиб, орқа ўриндикқа мажбурлаб ўтказишади. Унинг этиги ипларини ечиб олиб, қўлларини боғлайдилар.

Машина рўлига Мирза Боборажабов ўтиради ва уни тўғри Косон тоғи томон ҳайдайди. Орқаларидан Зоир Ражабов ва Илҳом Аминов “Урал” мотоциклида етиб келишади. Тоғда бу йигитни машинадан тушириб олиб темир ва таёқлар билан дуч келган жойига уришиб, турли хил тан жароҳатлари етказишади.

Узоқдан кўринган номаълум машина чирокларининг ёруғи уларни хушёр тортиришади. Аммо жуда қиска муддатга йигитни машинага қайта миндиришиб, ҳаммалари Лазизларникига йўл олишади. Уйда Лазизнинг синглиси Санобарни ховлига чақириб чиқиб, машинадаги

йигитнинг ким эканлигини айтишни талаб қилади. Санобар унинг Аброр эканлигини тасдиқлайди.

Уюшган жиноий гуруҳ Аброрни тасдиқлашиб олгач, уни қўллари боғлиқ ҳолда қайтадан машинага кирғизишиб, ҳаммалари биргаликда Косон тоғи томон жўнайди.

Машинани Мирза Боборажабов бошқаради. Зоир Ражабов “Урал” мотоциклида уларнинг изидан эргашади. Токқа етиб келишгач, Аброр Қосимовни яна темир бўлаги ва таёқлар билан боши, елкаси, юзи, кўкракларига ҳамда бошқа жойларига уриб, тепиб, роса қийнаб азоб беришади.

Лазиз Очиловнинг уйидалигида ҳам қўллари боғлиқ, қаршилик кўрсатишга ожиз ҳолда бўлган Аброрни роса уриб, дўппослашган эди. Уюшган жиноий гуруҳ аъзолари ана шундай шафқатсизлик билан Аброр Қосимовни қийнаб, азоблаб қасддан ўлдиришади.

Шундан сўнг тоғда машинага ва унинг салоида бўлган Аброр Қосимовнинг устига бензин се-

пиб ёқиб юборишади. Улар бу ваҳшийликлари билан жиноятларини яширишга уринадилар.

Лазиз Очилов ҳамда уюшган жиноий гуруҳ аъзоларининг айблари тўпланган ҳужжатлар, фактлар, далиллар асосида тўлиқ тасдиқланди. Суд психатрия экспертизасининг тегишли хулосаларида жиноий гуруҳнинг олти аъзоси ҳам муқаддам ҳамда жиноят содир қилган вақтда ўзларининг ҳаракатларига жавоб бера оладиган ҳолатда бўлганликлари, руҳий соғлом эканликлари кўрсатилган.

Лазиз Очилов, Илҳом Аминов, Мирза Боборажабов, Отабек Аминов, Зоир Ражабов ҳамда вояга етмаган Озода Юсупова жиноятларни содир қилганлиги сабабли суд ҳукмига асосан, Лазиз Очилов 22 йил 6 ой, Илҳом Аминов, Мирза Боборажабов, Отабек Аминов, Зоир Ражабовларнинг ҳар бири 21 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш ҳазоси билан жазоланди.

Даврон Хуррамов

Айрим одамларнинг ўз нафсларини кондириш йўлида ўйлаб топаётган ҳийла-найранглари кўриб, эшитиб, кўпларнинг ақли шошади.

Чироқчи туманининг Айритом кишлоғида яшовчи фуқаро, 1982 йилда туғилган Ориф Шоназаровнинг бошқаларни алдаш йўлида ишлатган фирибгарлиги ҳам ана шундай ҳайратланарли даражада.

### ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИ ЧУВ ТУШИРГАН «ЭЛЕКТР НАЗОРАТЧИСИ»

У Қарши минтақавий темир йўл узели электр таъминоти корхонасида электрмонтёр бўлиб ишлайди. Унинг хизмат вазифасига аҳолидан фойдаланилган электр қуввати тўловларини йиғиб олиш кирмайди.

Лекин шунга қарамасдан, бир қанча фуқаролардан хонадонларда ишлатилган электр қуввати тўловларини бир неча ойлар мобайнида йиғиб олаверган. Бироқ тўплаган пулларини жуда катта қисмини кассага эмас, кассага уриб, ўз фойдасига сарфлаб юбораверган.

Жумладан, қариб 3 йиллик муддат давомида Ориф Шоназаров бир қанча истеъмолчилардан, хусусан, А.Очиловдан 47 134 сўм, С. Очиловдан 96 369 сўм, С. Хушмуродовдан 53 629 сўм, Х. Собониёзовдан 42 369 сўм, И. Хушмиро-

довдан 38 232 сўм, Ш. Ҳотамовдан 3 421 сўм, С. Ҳотамовдан 35 577 сўм, П. Ҳайриллаевдан 15 299 сўм, У. Эргашевдан 41 916 сўм, Б. Ниёзовдан 130 527 сўм, Ғ. Исақовдан 71 038 сўм, Т.Ҳамроевдан 52 180 сўм, Х. Раҳмоновдан 84 300 сўм, К. Дўстмирозовдан 22 680 сўм, З. Жуманазаровдан 83 124 сўм, А. Ҳамроевдан 167 289 сўм, Ғ.

Ёрқуловдан 80 000 сўм жами ҳисобда 1 137 629 сўм маблағни йиғиб ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган. Бундан ташқари 8 нафар истеъмолчи фуқаролардан йиғиб олган тўлов пулларининг бир қисмини кассага топшириб, ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан 280 минг сўмдан кўпроқ маблағни ҳам ўзлаштириб юборган.

Тергов ва суд давомида Ориф Шоназаровнинг айби тўпланган барча фактлар, далиллар ҳужжатларга асосланилган ҳолда исботланди. У ўз жиноий хатти-ҳаракати орқали жабрланувчиларга етказилган моддий зарарини тўлиқ қоплади. Суд томонидан Ориф Шоназаров, суд ҳукмига кўра, айбига яраша жазо олди.

Кенжа Давлат  
Қарши шахри

Яккабоғ туманидаги “Имконият нефть-газ” масъулияти чекланган жамият раиси лавозимида ишлаб келган Ориф Тожиев мансабдор шахс бўлсада, мавжуд қонунлар талабларини бузиб жиноятга йўл қўйди.

Унинг сўнгги тўрт йил мобайнида хизмат кўрсатиш жараёнида аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга

### ЖИНОЯТЧИ РАҲБАР

оширишда 53 миллион 720 минг сўм маблағни назорат касса машинасига кирим қилмасдан банкка топширганлиги маълум бўлди. Шунингдек, ўз вазифасига лоқайдлик билан қараб, жамият ишчи-хизматчиларининг 12 миллион 945 сўмлик иш ҳақларини вақтида тўламасдан муддатини ўтказиб юборган.

Бундан ташқари Ориф Тожиев жамият томонидан кейинги тўрт йил мобайнида тўланиши зарур бўлган даромад солиғидан 1 088 000 сўм, ягона солиқдан 421 000 сўм, ягона ижтимоий 8 503 100 сўм, пенсия фондига 2,5-5,5 фоизлик суғурта бадалидан 16 400 сўм, жами 10 069 500 сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўланмасдан қолишига ҳам сабабчи бўлган.

Ориф Тожиев йўл қўйган жиноятлари сабабли суд ҳукмига асосан тегишли даражада жазоланди.

Даврон Хуррамов



## ЖИНОЯТЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИГАН МАМЛАКАТ

Ўзбекистонда таъкиблар ва ҳисб этишлар давом этмоқда. Маълумингизким, Ўзбекистон Республикасида 1993 йилдан буён одамларни кўрkitиш, уларни ноқонуний равишда ҳибсга олиш ва адолатсиз суд жавобгарликларига тортиш одаг тусига кириб қолган. Афсуски, бу “анъана” ҳали ҳам тўхтагани йўқ ва аксинча, кун сайин кучайиб бормоқда.

Шу йилнинг 6 сентябрь кунинда Ўзбекистоннинг Наманган шаҳрида Ўзбекистон Халқ Ҳаракати (ЎХХ) фаолларидан бири, ҳамда маҳаллий заргарлардан бири бўлган Қудрат Расулов қамоққа олинган. Унинг қамоққа олиниши ортидан оила аъзоларига ҳам босим ўтказилиниб, бирор жойга шикоят қилмаслик тайинланган. Айни шу сабабдан ҳам, Қудрат Расулов ҳақида бирор жўялик хабар ҳам оломай келаётгандик.

Айни кунларда бизгача етиб келаётган маълумотларга кўра, Қ.Расуловни 6 сентябрь кунинда Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизматининг (МХХ) Наманган вилояти ходимлари ҳибсга олишган. ЎХХ фаолининг ҳибсга олинишидан олдин унинг уйида Ўзбекистон МХХ терговчиси Шоназар Эргашевнинг қарори билан тинтув ўтказилинган экан.

Қудратнинг онаси ва оила аъзолари эса нима сабабдан уларнинг уйларига қора маскаликлар кириб келганликларини ҳам тушуна олмай қолганликларини айтишади. Воқеа жойига ташриф буюрган ўзбекистонлик таникли ҳуқуқ ҳимоячиси Елена Урлаеванинг хабар қилишича, шу куни олти нафар қора маскаликлар у яшайдиган уйнинг ертўласига гиёҳванд моддаларни топиш учун кириб келишган экан ва у ерда интернет сайтларидан кўчириб олинган маълумотлар сақланаётган бир неча дискларни топиб олишибди. Аслида улар ўша дискларни қидириб келганликлари ҳурматли ўқувчига аён бўлса ҳам керак.

“Мен Қудратнинг онаси билан гаплашдим, улар жуда каттик кўркуч остидалар. Шунингдек улар нима учун фарзандлари қамоққа олинганлигини ҳам билишмас экан. Одатда Қудрат уйларининг ертўласида нималар биландир машғул бўлганлигини билишаркан холос”. – дейди Елена Урлаева.

Ҳуқуқбоннинг таъкидлашича, Қудрат Расуловни ҳуқуқматни куч ишлатмаслик йўли билан қўлга олиш ҳақидаги рисоалар сақланаётган дисклар учун қамоққа олишган.

11 сентябрь кунинда эса Наманган шаҳар жиноят ишлари суди судьяси С.Қодиров Қудрат Расуловни Ўзбекистон Жиноят Кодексининг 244 прим 1 моддасининг 3 қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда гумонлаб, уни қамоққа олиш ҳақида қарор чиқариб беради. Ҳозирги кунгача Қудрат Расулов Ўзбекистон МХХ Наманган вилоят бошқармасининг изоляторидида сақланмоқда. “Қудрат Расулов ҳибсга олиниб, унинг мол-мулки мусодара қилинганидан сўнг Ўзбекистон МХХ терговчиси Шоназар Эргашев

Қудратнинг онаси ва хотинининг ёнига келиб уларни кўрkitиш билан бу воқеани бирор жойга хабар қилмасликни тайинлаган”. – дейди Елена Урлаева ўз хабарига.

Ўзбекистон судлов тизими ҳам ўзига хос “меҳрибонликлар” кўрсатадиган тизимлардандир. Бунда бировни ҳибсга олинди, ўша заҳотиёқ ҳибсга олинган шахс адвокат билан таъминланади. Лекин демократик мамлакатлардаги адвокатлардан фарқлик ўларок, Ўзбекистон судлари тайинлайдиган адвокатлар бирор тайин иш ҳам қилишмайди. Худди шундай тартибда Қудрат Расулов ҳам адвокат билан “таъминланган” экан.

“500 минг сўм пул эвазига тайинланган, “Ихлос” адвокатлик хизмати фирмаси адвокати Шухрат Қамчибеков Қудратнинг қамоққа олиниши ва унинг уйида ўтказилинган тинтув, ҳамда эълон қилинган айблов бўйича ҳали бирор шикоят ҳам ёзмаган”. – дея хабар қилади ҳуқуқбон Елена Урлаева. Шунингдек, адвокатга ўз ҳимоясидаги шахс билан яқкама яқка учрашувга ҳам рухсат берилмаётган экан.

ЎХХ нинг набатдаги қамоққа олинган аъзоси Қудрат Расуловни ҳаракат мухлислари унинг Илҳом Мамедов тахаллуси остида ёзган мақолалари билан танийди албатта. Намангандан туриб маҳаллий газеталар мақолаларини, айниқса улардаги ёлғонларни шарҳлаб бериб борган ЎХХ фаолини МХХ аллақачонлар излашга тушиб кетганди. Ҳаракатимизнинг “Одноклассники” ва “Facebook” ижтимоий тармоқларидаги саҳифаларига кириб олган турли айғоқчилар Илҳом Мамедовнинг ким эканлигини аниқлаштиришга кўп уринишди. Аммо бу сир эди ва уни ошкор этиш, ўз фаолимининг ҳаётини таҳлика остига қўйиш билан баробар эди. Шунинг учун ҳам унинг шахсини очиклай олмадик. Режим Қудрат Расуловни (Илҳом Мамедовни) ҳибсга олди! Бундай қилишга ҳақлик эдими? Албатта интернет тармоғидан Ўзбекистон фуқаролари ҳам фойдаланиш ҳуқуқларига эга эканлар, мамлакатда интернет маълумотларни сақлаб қўйишни таъқиқловчи бирор қонун мавжуд эмас. Ва шу билан бирга,

Ўзбекистон Жиноят Кодексидаги 244-1 модданинг учунчи банди бундай фаолият учун жавобгарликни назарда тутмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 244-1 моддаси.

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек фуқаролар тотувлигини бузиш, тухматона, вазиятни бекарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши

қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш, — энг кам иш ҳақининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлар:*

а) олдиндан тил бириктириб ёки бир гуруҳ шахслар томонидан;

б) хизмат мавқеидан фойдаланиб;

в) диний ташкилотлар, шунингдек чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан олинган молиявий ёки бошқа моддий ёрдамдан фойдаланиб содир этилган бўлса - беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Энди мазкур модданинг 3 бандидаги ҳолатдан келиб чиқадиган бўлсак, Қудрат Расулов барча ўзбекистонликлар ва ўзбеклар қаторида мусулмон бўлсада, аммо оиладаги яшаш тарзи мутлоқ замонавийдир. Намоз ҳам ўқимасликларини инobatга оладиган бўлсак, улар диний ташкилотларга аъзоликлари ҳам йўқлиги аён бўлади. Унинг чет элдаги ташкилотлар ва фуқаролардан ёрдам олганлигини исботлашнинг эса мутлоқ имконсиздир. Масалан, тергов томони турли пул ўтказмаларининг келганлигини исботловчи ҳужжатларга эга бўлиши керак эди. Хусусан ЎХХ дан, ёки шу ҳаракат раҳбариятидан. Қудрат Расулов мутлоқ пул ҳам, бирор моддий фойда келтирадиган буюм ҳам олган эмас!

Уйида режим учун “хатарлик” бўлган материалларни компьютер дискда сақлагани эса Жиноят Кодексининг бу моддасига мос тушмабди. Демак, Ўзбекистон МХХ си уни мутлоқ қонунга хилоф тарзда қамоққа олган ва унинг уйида тинтув ўтказган десак янглишмаймиз. Аммо бу билан нима ўзгарарди? Ахир бу Ўзбекистонку ва унда ким қонунларни ва уларнинг ижросини назорат қилади? Ҳеч ким! Аксинча, қонунларнинг оёқ ости қилиниши, режимнинг кирдикорларидан норозиларни, ҳаттоки режим жиноятларидан хабардор бўлганларни қамаш, йўқ қилиш бизда рағбатлантирилади.

**Тўлкин Қораев**

Душанбе шаҳар фукароси Зубайд Мирзороҳимов Ўзбекистон Миллий хавфсизлик қўмитаси ходимлари томонидан ҳибсга олинган.

Бунга унинг қўл телефонида Куръон оятлари топилгани сабаб бўлган. 20 сентябр куни Ўзбекистон ҳудудида содир бўлган воқеадан роса бир ой ўтиб маҳаллий матбуот вакиллари хабардор қилган душанбеллик Холмурод Мирзороҳимовнинг айтишича, ўғли Зубайд тижорат билан шуғулланган.

“Ўғлим Зубайд беш йилдирки тожир. У Ўзбекистон орқали

юборгани маълум бўлди.

“Зубайд Мирзороҳимовнинг тақдири билан мунтазам қизиқиб турибмиз. Гап шундаки, Ўзбекистонда бу жараён узоқ кечади. Чунки Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги иш юзасидан республика тегишли идораларига ёзма мурожаат қилади ва жавоб кутади.

Биз кеча Ўзбекистондаги элчихонамиз билан айтилган масалада боғланган эдик. Лекин улар ҳозирча ҳеч қандай жавоб йўқлигини маълум қилди”, дея билдирган Тожикистон Ташқи ишлар вазирлиги масъул хо-

йўловчиларга нисбатан қандайдир адоват борга ўхшайди. Юкингни титқилайди, икки соат уч соат балки ундан ҳам кўпроқ. У ҳавонинг иссиғими, совуғими у билан иши йўқ.

Аёллар, ёш болалар роса қийналиб ўтапти чегаралардан. Яқинлариизнинг тўю азаларига қатнашишдан маҳруммиз.

Ўзбек чегарачиларига сал гап қайтарсанг “сен экстремистсан, наркоти ташияпсан”, деб баъзида ҳатто “жосус!га чиқариб қаматиб юбораяпти, дейди тожикистонлик Сайёра

## ҚУРЪОН ОЯТЛАРИНИ ҚЎЛ ТЕЛЕФОНИГА ЮКЛАБ ТУТҚИН БЎЛДИ

Жанубий Кореяга ўтмоқчи эди. Ўзбекистон чегара постида томожнийлар уни назоратдан ўтказмайтиб телефонида Куръон оятларини топиб, уни миллий хавфсизлик ходимларига топширган.

Ёнида 20 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ҳам бор эди.

Ўғлимнинг ҳеч қандай айби йўқ, нахотки оятларни телефонида запис қилиш ҳам жиноят бўлса?, дея билдирган маҳаллий журналистларга Холмурод Мирзороҳимов.

Мирзороҳимовлар оиласи ўғлини озодликка чиқариш ва ватанига қайтаришда амалий ёрдам кўрсатишни сўраб Тожикистон Ташқи ишлар вазирлигига ариза ёзган.

Тожикистон Ташқи ишлар вазири мазкур иш юзасидан Тошкентга нота

димларидан бири “Азия плюс” ахборот агентлигига.

Тожикистон дипломати тожикистонликларни ҳар баҳоналарда ҳибсга олиш ва уларнинг маблағи, товарларини давлат ҳисобига мусодара қилиш, айрим ҳолларда узоқ йилларга қаматиш каби ходисалар сўнгги йиллар республиканинг Ўзбекистон билан чегара постларида тез-тез қайдга олинаётганини билдирган.

Кузатувларга кўра, сўнгги ўн йил мобайнида Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги муносабатларнинг совуқлашиши ортидан ҳар икки давлат чегараларида йўловчиларни таҳқирлаш ва ҳатто узоқ йилларга қаматиш ҳолатлари одатий тус олмоқда.

“Ўзбекистон томондан ҳам, Тожикистон томондан ҳам аҳвол шу. Иккала томон чегарачиларида оддий

исмли тожир аёл.

Мустақил таҳлилчилар фикрича, Ўзбекистон нафақат Тожикистон балки минтақадаги бошқа қўшнилари Қирғизистон, Туркменистон билан ҳам чегараларида мустаҳкамлаш ва қўриқлаш кучайтирган.

“Бунга президент Ислам Каримов юритаётган ёпиқ режим сабаб.

“Каримов режими” ортидан шу кунларда ўзбек-тожик чегараларида бегуноҳ гўдақлар, аёллар миналарга учиб қурбон бўлаётир.

Лекин негачир халқаро ташкилотлар, БМТ ва бошқа шу каби инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш вазифаси бўлган нуфузли ташкилотлар жим, дейди тожикистонлик мустақил таҳлилчи Зафар Суфий.

**ЎХХ хабар маркази**

## ҚАРШИДАГИ КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ПАРАХОРЛИК

*Қаршидаги Касб-Хунар коллежларидан бирининг директор муовини ишга кирмоқчи бўлган фуқародан 500 АҚШ доллар талаб қилди*



Қарши шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Ойгул Бобоева Қаршидаги коллежлардан бирига ишга кирмоқчи бўлди. У коллежнинг ўқув ишлари бўйича директор муовинига учраб, мақсадни баён қилди.

Директор муовини Турғуной Мусаева мурожаат этувчини ишга қабул қилишни ҳал этишга ваъда берди. Фақат ишга кирмоқчи бўлган ходимдан бу хизмати эвазига 500 АҚШ доллари келтириб беришни талаб қилди.

Ойгул Бобобеванинг мурожаати асосида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда коллеж директоринг ўринбосари Турғуной Мусаева Ойгул Бобоевадан коллежга ишга қабул қилиши учун 500 АҚШ доллари миқдорида пора олаётганда қўлга олинди.

**ЎХХ ахборот бўлими**  
*Қарши шаҳри*

## “ДАНГАСАЛАР”

Қурбон ҳайитида одатдагидек нархлар бирданига ошиб кетдию, байрам ўтгач 1-навли 500 сўмлик 1 буханка нон 600 сўм, олий навли 600 сўмлик 1 буханка нон 700 сўмда қолиб кетди. Бошқа озик-овқат маҳсулотлар нархлари ҳам юқорига ўрмалаб қолди.

Каримовнинг “Дангасалар” қўшиғидан кейин қаёққадир ғойиб бўлган гадолар яна пайдо бўлишди. Аммо шаҳарда троллейбуслар қатнови бекор қилинганлиги учун, Каримов уларга хайр садақа беришга келмаяпти.

Шаҳарлар марказларига экилган арчаларнинг кўпи қуриб қолди, аммо шаҳар ўз яшиллик тароватини йўқотгани йўқ. Яшил арчалар ўрнини шаҳар кўчаларини босиб кетган мелисалар билантирмапти.

**ЮКЕ**  
*Тошкент*



Жангарилар фермерни олиб келиб, автобуснинг олди эшигидан чиқаришди. Саъдулла Бобожонов тунги безорининг бошига намоиш-корона ўқ узди. Фермернинг жасади автобусдан ташарига улоктирилди.

“Саримой” постида навбатчиликда турган кучишларлар юз берган ходиса ҳақида дарров Хоразм вилояти ИИБ ва МХХ бошқармаси раҳбарларига хабар беришди. Бироз вақтдан кейин шлагбаум кўтарилди, ва жангарилар томонидан гаровга олинган автобус Урганч тарафга йўл олди.

Урганч ва Янгибозоргача 150 километрлик (кумликлар ичида — 80 километр ва аҳоли пунктлари ичида — 70 километр) масофани босиб ўтиш керак эди. Бироқ жангарилар Хоразм вилоятининг аҳоли зич

бусини бешикаст қайтариб беришга ёки, автобусга зарар етса, етказилган зарарни қоплашга ваъда беришди.

1999 йил 30 март кунининг ярмида жангарилар ихтиёрига “Мерседес-Бенц” русумли янги автобус топширилди. Шундан сўнг гаровга олинганларни “Икарус”дан “Мерседес-Бенц”га ўтказиш бошланди. Гаровдагиларни бир автобусдан иккинчисига ўтказётганда мужоҳидлар ўз ваъдасининг устидан чиқишди: ёш болаларни, аёлларни ва кексаларни қўйиб юборишди. Янги автобусга жангарилар фақат эркак йўловчиларни олиб ўтишди.

Шуниси қизиқ-ки, милиционерларнинг диққатини қидирувдаги Саъдулла Бобожоновга қаратган тижоратчи аёлни ҳам жангарилар қўйиб юборишди. Бундан ташқари,

римойга тикучарда зудлик билан етиб келган Зокир Алматов жангариларни электркарнай орқали ҳақоратлаб, гаровга олинган одамларни озод қилишни талаб қила бошлади. “Мен – Зокир Алматовман. Ўзбекистон Ички ишла вазири сифатида қайтараман: сизлар ҳеч нарсага эриша олмайсизлар! Биз сизларни итларни отгандай отиб ташлаймиз! Яхшиликча таслим бўлинглар, акс ҳолда биз нафақат сизларни, балки сизларнинг мараз яқинларингизни ҳам йўқ қилиб ташлаймиз!” – дея бакирарди Ички ишлар вазири. Бироқ вазирнинг дўқ-пўпислари жангариларни кўрқита олмади. Улар Алматовга мурожаат қилиб, ҳеч қачон таслим бўлмастикларини, гаровдагиларни фақат Тошкентга етиб боргач, учоқ тақдим этилгач ва Ўзбекистондан чиқиб кетиш арафасида озод қилишларини айтишди.

“Алматов, сен бизни ва қариндошларимизни отиб ташлашинг мумкин, лекин биз ҳеч қачон таслим бўлмаймиз. Агар сен бизни ва яқинларимизни ўлдирсанг, биз ва қариндошларимиз жаннатга тушамиз. Агар биз сени ва сенинг милиционер “ит”ларингни ўлдирсак, сен ва сенинг милиционер “ит”ларинг дўзахга тушасизлар. Биз Аллоҳ йўлида ҳалок бўламиз, сизлар эса кофир Каримов йўлида ҳалок бўласизлар! Биз бўлмасак, бошқа мужоҳидлар албатта сендан ҳам, сенинг фарзандларингдан ҳам қасос олишади. Алматов, шуни эсингда тут, сен ва фарзандларинг мужоҳидларнинг қасосидан қутулиб қола олмайсизлар. Ҳали вақти келади, ва сен мусулмонларга қарши қилган барча жиноятларинг учун жавоб берасан”, — деди Т.Бобожонов.

Ички ишлар вазири жангариларнинг жавобидан бироз шошиб қолди. Кейин эса яна уларни ҳақоратлаб бошлади. Ушбу музокараларга ва жангариларни бартараф қилиш амалиётига оид барча тафсилотларни З.Алматов телефон орқали президент И.Каримовга етказиб турди.

Мужоҳидлар Алматовнинг қуруқ ҳақоратидан вазирда музокара ўтказиш нияти йўқлигини ҳамда вақтни ўлдириб, кун қоронғулашишини ва автобусни тунда ишғол қилмоқчилигини тушуниб етишди. Кейинчалик жангариларнинг тахминлари тўғри бўлиб чиқди: кечга яқин автобус блокировка қилинган жойга ИИБга қарашли махсус отряд ҳамда Ўзбекистон Президенти хавфсизлик хизмати (ПХХ) нинг бир нечта снайперлари етиб келди. Шундай қилиб...

*(Давоми кейинги саҳифада)*

## У.ҲАҚНАЗАРОВ: САРИМОЙ ФОЖЕАСИНИНГ ҲАҚИҚАТИ

яшайдиган ҳудудларигача етиб бора олмадилар. Чунки автобуснинг ва йўловчиларнинг гаровга олинган хабар топган туркменистонлик чегерачилар ўтиш пунктини ёпиб қўйишди, жангарилар билан гаплашишдан ва автобусни Туркменистон ҳудудидан ўтказишдан қатъиян бош тортишди. Гап шундаки, авваллари, яъни Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани Мискин посёлкаси Хоразм вилояти Хазорасп тумани Питнак посёлкаси билан боғловчи темир йўл кўприги 2004 йилда Амударё устида қурилгунга қадар, Хоразмга кетаётган автобуслар, юк ва енгил автомобильлар Туямўин сув омбори иншоотининг устидан 200 метрлик ҳамда Туркменистон Республикаси ҳудудидан икки километрлик йўлни босиб ўтишга мажбур эдилар.

Шу сабабдан 1999 йил 30 март кунининг ярмида “Икарус” автобуси Туркменистон чегара назорат постига етиб келганда, қўшни республика чегарачилари автобусни ўз ҳудудидан ўтказишдан бош тортди. Бу вазиятда Урганч ва Янгибозорга етиб боришдан умидини узган жангарилар Тошкентга қайтишга қарор қилишди.

Туямўин сув омборининг иншоотидан ортга қайтгач, жангарилар кучишларлардан ёқилғи тўла янги автобус беришни талаб қилишди. Бунинг эвазига улар барча болаларни, аёлларни ва қарияларни озод қилиб, гаровда фақат эркакларни қолдиришга сўз беришди.

Хоразм вилояти ИИБ ва МХХ бошқармаси раҳбарлари янгибозорлик тадбиркорлардан бирига тегишли янги “Мерседес-Бенц” автобусини топишди. Улар тадбиркорнинг авто-

улар мужоҳидлардан бири – Ҳамро Ҳалиллаевнинг мактабдаги собиқ математика ўқитувчисини ҳам қўйиб юборишди. Вахоланки, ўқитувчи ўрта ёшлардаги эркак эди. Ўз ўқитувчисини қўйиб юборётганда Ҳамро Ҳалиллаев: “Домла, сиз ҳам уйингизга боринг! Ислом одамларни ўз устозларига ҳурмат кўрсатишга чақиради”, — деди.

Гаровдагиларнинг ярми қўйиб юборилгандан кейин янги автобуснинг салонига 28 йўловчи олиб ўтилди. Ва автобус Тошкентга қараб йўл олди. Янги автобусда кетаётиб, жангарилар гаровга олинганларга йўловчиларни ўлдириш нияти йўқлиги ҳақида билдиришди. “Сизларни ўлдириш ниятимиз йўқ. Биз Тошкентга етиб олиб, Ўзбекистондан чиқиб кетмоқчимиз холос. Аллоҳ номи билан қасам ичиб айтаманки, ҳатто Каримов қўшинлари бизга қарши ҳужум бошлаб, ўқ ота бошласалар ҳам, биз сизларни ўлдирмаймиз”, — дея ваъда берди Ҳамро Ҳалиллаев.

Бироқ мужоҳидлар Тошкентга етиб бора олмадилар: ичида жангарилар ва гаровга олинган йўловчилар кетаётган автобус “Саримой” ИППдан Газли ва Бухоро шаҳарлари томонга қараб бир неча километр юргач, автобуснинг йўли “ЗиЛ” русумли юк машиналари билан тўсиб қўйилди. Машиналар бу жойга Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги Ички ишлар вазири З.Алматовнинг буйруғига кўра келтирилганди. Шундай қилиб...

### Мужоҳидларнинг Алматов билан музокаралари

Аввалига Тошкентдан Бухорога учоқда, кейин эса Бухородан Са-

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

### **Автобусга уюштирилган ҳужум**

Коронгу туша бошлагач, ичида жангарилар ва гаровга олинган йўловчилари бор автобус “Зил” русумидаги бир нечта юк автомобили билан тўла ўраб олинди. Шуниси диққатга сазоворки, юк машиналарининг барчаси юзи (олдинги чироклари) билан автобусга қаратиб қўйилди. Атрофга зулмат тушгач, автобусни ишғол қилиш амалиётига бошчилик қилаётган Зокир Алматов юк машиналарининг олдинги чирокларини узокни ёритиш режимида ёкишни буюрди. Вазирнинг

“Қаттиқ ёритилаётган нишонни ҳам мўлжалга ололмайсизлар!” – дея снайперларни ҳақоратлашга тушди.

Вазир жангариларни ўққа тутишни давом эттириш ҳақида буйруқ берди. Шундан сўнг жанг қилаётган томонлар ўртасида қаттиқ отишма бошланиб кетди. Юк машиналари ортидан туриб отилган ҳар бир ўққа автобусдаги жангарилар икки ўқ отиб жавоб қайтаришарди. Ярим соат давом этган отишма натижасида Ўзбекистон ПХХнинг яна бир снайпери, МХХ капитани Сергей Давидов ҳам ҳалок бўлди ва махсус отряддан 9 киши ярадор бўлди. Алматов

## **У.ҲАҚНАЗАРОВ:**

### **САРИМОЙ ФОЖЕАСИНИНГ ҲАҚИҚАТИ**

буйруғи бажарилгач, автобус тўрт тарафдан шунчалик ёрқин ва кўзни қамаштирадиган даражада ёритилдики, юк машиналари томонга қарашнинг иложи бўлмай қолди.

Махсус отряд аскарлари ва ПХХ снайперлари “Зил”ларнинг ёрқин нури ёрдамида автобусдаги жангариларни нишонга олиб, йўқ қилиш мақсадида юк машиналарининг орқаларига жойлашишди. Биринчи ўқни ПХХ снайперларидан бири узиб, автобус ичида ҳаракатланаётган жангарилардан бирини нишонга олишга уриниб кўрди.

Шундан сўнг энг замонавий мерганлик қуроллари билан қуролланган снайперлар қаторидан зудлик билан иккинчи ўқ узилди. Бироқ на биринчи ва на иккинчи ўқ жангариларга тегмади.

Оддий пистолетлар билан қуролланган жангарилар бир неча сониялардан кейин ҳукумат аскарлари томонга жавоб ўқи узишди. Бунинг натижасида сал олдинроқ жангарилар томонга ўқ узган МХХ катта лейтенанти, ПХХ снайпери Эрик Газов ҳалок бўлди.

Кейин автобус ичидан юк машиналари томонга яна бир ўқ узилди. Бунинг натижасида сал олдинроқ жангарилар томонга иккинчи ўқни узган снайпер Сергей Ничепуренко ҳалок бўлди. Юк машиналарини орқасида: “Бизникиларни ўлдиришди!” – деган ҳайкириқлар янгради.

ПХХ снайперларининг иккаласи ҳам бошларидан ўқ еб, ҳалок бўлишди. Буни кўргач, махсус отряд аскарлари ва ПХХ снайперларини кўркув эгаллади.

Чунки улар оддий пистолетлар билан қуролланган жангарилар ҳатто кўзни қамаштирадиган, ёрқин нурга қарши қараб ҳам нишонни топа олишларини, мўлжалга ола олишларини ва ота олишларини кутмагандилар. Жаҳли чиққан Алматов:

ва ҳукумат қўшинлари жангарилар кўзни қамаштирадиган нурга қандай қилиб қараб, коронғудаги мўлжални қандай қилиб нишонга олаётганига тушуна олишмасди.

Кейинчалик Ҳамро Ҳалиллаев ва Темурбек Бобожонов автобус томонга ўқ узган снайперларни жангарилар қандай аниқлаганликларини терговчиларга ва судьяларга гапириб беришди. “Махсус отряд юк машиналарини юзи билан биз тарафга қарата бошлаганда ҳукумат аскарлари “Зил”ларнинг чирокларини узокни ёритиш режимида ёқиб, бизнинг кўзларимизни қамаштириб, бизга қарши ўқ ота бошлашни режалаштираётганини дарров пайқадик. Шу сабабдан биз зудлик билан керакли позицияларни эгалладик ва ҳар биримиз алоҳида томонга қараб жойлашдик.

Ўқ узган снайперни юк машиналари ортидан отилган ўқларга қараб топардик, нишонга олардик ва отардик. Бу нарсаларни биз Ҳаттобнинг Чеченистондаги лагерларида ўрганганмиз”, — деганди Темурбек Бобожонов.

Автобусни ишғол қилиш амалиёти пайти телефон орқали алоқага чиққан президент Ислон Каримовга Зокир Алматов: “Афсуски, биз тарафдан уч қурбон ва 9 ярадор бор. Жангарилардан эса ҳозирча қурбон йўқ”, – дея жавоб беришга мажбур бўлди.

Бу хабардан жунбушга келган Каримов автобусни жангари-пангариси ва йўловчи-пўловчиси билан бирга отиб ташлашга буйруқ берди. Шундай қилиб...

### **Автобуснинг отиб ташланиши**

1999 йил 31 март куни соат тахминан 02 ларда Зокир Алматов махсус отряд аскарларига мамлакат президентининг топшириғини етказиб, автобусни отиб ташлашни буюрди.

Ўз аскарларига электрқарнай орқали мурожаат қилган Зокир Алматов: “Ислон ака: “Автобусда биронта тирик жон қолмасин!” – дедилар. Ислон ака: “Хоразмликлар – инсониятнинг орқа тешиги, дунёдаги энг жирканч халқ”, — деб айтдилар.

Шундай экан, улардан ҳеч кимни аяманглар! Автобусда фақат хоразмликлар бор. Улар шафқатингизга лойиқ эмаслар!” – дея бақириб, ўз қўшинларини мудҳиш жиноятга сарфарбар этарди.

Ва бироз вақт ўтгач, махсус отряд автобусга қарата кўр-кўрона ўқ уза бошлади. Қандайдир 10-15 дақиқа давомида тинмасдан ўқ отилиши натижасида янги “Мерседес-Бенц” автобуси ўзига хос темир тўрға айланаиб қолди.

Автобус ичида кимираган жон қолмагач, Алматовнинг аскарлари автобусга бостириб киришди ва унинг саломида атиги битта тирик одамни – оғир ярадор бўлган Темурбек Бобожоновни топишди ва ҳисобга олишди.

Эрталабга яқин эса Алматовнинг аскарлари гаровга олинган 28 йўловчининг барчаси ва мужоҳид Саъдулла Бобожонов отиб ўлдирилганини, жангарилардан иккитаси (Ҳамро Ҳалиллаев ва Полвонназир Хўжаев) эса воқеа жойидан қочиб кетганига амин бўлишди.

Жангарилардан иккитасининг қочиб кетганини эшитган Алматов жунбушга келди, чунки сал олдинроқ у президент Каримовга: “Автобусда биронта тирик жон қолмади!” – деб, Тошкентдаги золимни хурсанд қилган эди. Аскарлар етказган хунук хабардан кейин Зокир Алматов қочиб улгурган жангариларни зудлик билан тикучарда қидириб топишни буюрди. Ўзбекистон Ички ишлар вазири икки жангари отишма пайти қандай қилиб қочганига ақли етмай, жиғибийрон бўлди.

Кейинчалик Ҳамро Ҳалиллаев терговчиларга ва судьяларга ўзи ва дўсти Полвонназир Хўжаев автобусдан қандай чиқиб, воқеа жойидан қандай қочганини гапириб берди.

“Ҳукумат аскарлари автобусга қарата кўр-кўрона ўқ уза бошлагач, мен ва Полвонназир тезда полга ётиб олдик ва автобус полидаги люкни очдик. Ана шу люк орқали биз ерга тушиб олдик ва тезда юк машиналаридан бирининг бортига чиқиб олдик. Юк машинасида бироз юргач, коронғуда ундан тушиб қолдик. Полвонназир узоқроққа қочиб кетди, мен эса узоққа бора олмадим. Чунки мен ярадор бўлгандим”, — дея гапириб берганди Ҳамро Ҳалиллаев.

*Давоми келгуси сонда*

**Туркчилик ғоясининг ҳақиқатга** «Америка овози», 23.07.2006

«Сен қачон ёвуз одамларга ўхшашдан тийилсанг, сенга қарши бўлган, сенга ёвузлик келтирадиган ёвузликлар ўз-ўзидан йўқолади», деганди бир галги маърузасида муҳолифатдаги «Эрк» партияси лидери, шоир Муҳаммад Солиҳ.

Муҳаммад Солиҳ 1991 йилги президентлик сайловида, Ўзбекистоннинг янги тарихида Ислоҳ Каримовга ҳақиқий рақиби бўлган ягона шахсдир. 1994 йилдан буён у қувғинликда ҳаёт кечиради. У

мумкин. Мен эса ҳали бу туйғулардан маҳрум бўлмадим. Агар мен ҳаёлпараст бўлмаганимда, аллақачон бу дунёдан кетган бўлардим... Балки бу яхшилик-қадир, аммо мен 70-80-йилларда ўзимда бўлган шоирона кибри йўқотганман-ку. Агар мен шеъриятни сиёсатдан устун, деб билганимда, шеърият билан машғул бўлардим. Мен сиёсатни шеъриятдан юқори кўяман, чунки сиёсат ҳақиқатдан эркаклар ишидир. Сиёсат, бу - ғоялар жанги, сиёсат, бу - адолат учун кураш-дир. Шеърият эса бу йўлда жуда ҳам

Каримов иқтидорда экан, мен учун бундай режимга қарши террорчи бўлиш фахрдир. Мен бу ерга Ғарбнинг, Андижон воқеаларидан кейин, афсуслар билан айтиш керакки, ўзгармай келаётган эътиборсизлик даражасини ўлчашга келдим. Ўзбекистон Россия ёки Хитойга шунчаки оғмаяпти, балки бутун минтақа учун хатарли ҳалокат сари кетмоқда, шунинг ўзи жамоатчиликда қизиқиш, жуда бўлмаса ташвиш уйғотиши керак, деган фикрдаман.

## МУҲАММАД СОЛИҲ – ШОИР, СИЁСАТЧИ ВА ОРЗУКАШ

йигирмага яқин китоблар муаллифидир, унинг шеърлари дунёдаги 50 дан ортиқ тилларга таржима қилинган.

Солиҳ жанобларининг АҚШга навбатдаги ташрифи пайтида «Америка овози» радиосининг рус хизмати у билан суҳбатлашди.

Нажия Бадиқова: Сиёсий рақиблирининг сизни “ҳаёлпараст” деб ҳисоблашади. Замондошларининг эса сизни “шоир – ислоҳотчи” деб билишади. Сиз ўзинингизни кўпроқ ким, деб ҳисоблайсиз?

М.Солиҳ: Мен, эҳтимол, қайси томондандир ҳаёлпараст ва қайсидир жиҳатдан шоирдирман. Бу ҳаётда жаммики умид ва ишончини йўқотиб бўлган одамгина ҳаёлпараст бўлмаслиги

тор бўлса эҳтимол. Шеърият бир қадар худбинроқ, у ўзига боғлаб олиши мумкин. Шеърият - бу ўзингда рақс тушиш каби, ўзингдаги бир нарсасдек. Шеърият - жуда инжиқ ва худбин.

Икки хил лидер бўлиши мумкин: бири сиёсат яратган лидер, иккинчиси сиёсатни яратувчи лидер. Мен истаган лидер сиёсатни яратувчи лидердир, бундай лидерлар жуда камдан-кам пайдо бўлишади. Бироқ, ҳар бир асрда санокли шундай шахслар бўладики, уларсиз сиёсат ўз маънисини йўқотади.

Н.Б.: Ўз ватанингида сиз террорчиликка айланган эдингиз. Сиздан айни пайтда бу айбловни олиб ташлашганми?

М.С.: Йўқ, агар Каримов иқтидорда экан, айблов бекор қилинмайди. Бироқ,

*Сўзларни яратиб,  
Уларга буйсунамиз бир куни.  
Ҳар кимнинг буйнида осилиб турар  
Маълум ҳарфлардан*

*ташиқилланган сўз.*

*Дейлик «Аҳмад!»*

*деса уйғонмайман мен,*

*Уйғонмайман «Тошмат!»*

*деб бақирсалар ҳам.*

*Исмимни билмаса момақалдироқ  
Уйғота олмайди мени ҳеч қачон!...  
Уйлаб кўринг энди қанчалик қийин  
Бутун халқни уйғотмоқчи*

*бўлган даҳога.*

(Суҳбатда бу шеър таржимада берилган)

(Русчадан Юсуф Расул ўғирган)

### Одил Рузалиев, Вашингтон

Ўзбекистон муҳолифати етакчиларидан бири Муҳаммад Солиҳ сўнгги ўн йилдан ортиқ вақт ичида иккинчи бор АҚШга ташриф буюрди. 24 июл куни Муҳаммад Солиҳ Вашингтонда жойлашган Карнеги Жамғармасида чиқиш қилди.

«Эрк» партиясининг асосчиси ва раҳбари ўтган йили Андижон воқеаларидан сўнг АҚШ Конгрессида ўтказилган тингловда иштирок этган эди. 25 июл куни ҳам Конгресс қошидаги Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Комиссиясида Муҳаммад

вазирлигидаги баъзи одамлар муҳолифатга хайрихоҳдир.

Халқаро тинчлик учун Карнеги Жамғармасида чиқишида Муҳаммад Солиҳ, президент Каримов Ғарб томонидан яққаланиб бормоқда ва президентга бу яққаланиш ёқмаяпти, деди. Муҳолифатчи назарида, Каримов халқаро ҳамжамият олдида Андижондаги қирғин вақтидаги ўз ҳаракатларини оқлашга уринмоқда.

Яқинда АҚШдан Ўзбекистонга қайтиб борган 12 нафар қочқин, Муҳаммад Солиҳнинг айтишича, ҳукумат томонидан ана шу мақсадда

айтишича, Ўзбекистондаги ислоҳотлар тарафдорлари бўлган гуруҳлар олдида турган асосий вазифалардан бири президент Каримов ҳокимиятдан кетиб, ўзгаришлар даври келган маҳалда кенг ислоҳотларни ўз ичига олган умумий дастурни ишлаб чиқариш.

«Турли сабабларга кўра тузум ўзгаргудек бўлса, мамлакат бўшлиққа тушиб кетмаслиги ёки ҳокимият тепасига исломий қучларнинг келмаслиги учун Ўзбекистон муҳолифати қандай таклифларни олға суриши мумкин? Мана шу – асосий савол», - деди Лора Грехем.

## М. СОЛИҲ: ДИНИЙ КУЧЛАР ТАҲДИДИ –

Солиҳ, «Бирлик» ҳаракатининг раиси Абдуманнон Пўлатов ва «Серкуёш Ўзбекистоним» коалицияси раиси Санжар Умаровнинг тўнғич ўғли Фулом Умаров Ўзбекистондаги вазиятга нисбатан ўз карашларини билдирадидилар.

Муҳаммад Солиҳ назарида, Ўзбекистон муҳолифатининг ахволи ўтган йиллардагига қараганда анча яхши ва айни дамда муҳолифат нафақат мамлакат ташқарисида ва ҳаттоки ичкарасида ҳам фаол иш олиб бормоқда.

Унга кўра, Ўзбекистон ҳукумати, армияси ва Ички ишлар

фойдаланилади ва «Андижонда диний кучлар аралашган» деган фикр қочқинлар томонидан ҳукумат босими остида ўз тасдиғини топади.

Муҳаммад Солиҳ Ғарб ва АҚШ Ўзбекистон ҳукуматига керакли равишда босим ўтказмаётганидан норозиликни билдирди.

Ғарб Ўзбекистондаги демократик кучларни қўллаб-қувватлашини расмий тарзда баён қилиши керак, деди у.

Тадбирда иштирок этган АҚШ Халқаро Республикачилар Институтининг Марказий Осиё бўйича дастури раҳбари Лора Грехемнинг

Диний кучлар таҳдиди Каримов тузуми яратган афсона, деб билдирган Муҳаммад Солиҳ унинг етакчилигидаги кучлар ҳокимият тепасига тинч йўл билан келишга тайёр эканини маълум қилди.

«Биз халқ тайёр бўлгандагина, муҳолифатга хайрихоҳ расмийлар халқни қўллаб-қувватлагандагина, ҳозирги тузумга қаттиқроқ таъсир ўтказа оламиз. Бусиз халқни кўчага чиқармаймиз. Биз қонли намойишларга қаршимиз», - деди Муҳаммад Солиҳ.

(Америка овози, 25.07.2006)

## ЗЕҲН (ОНГ) НАЗОРАТИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)



Яъни титанди-оксид нанопарчалари ҳар қандай органик модда ёки тирик ҳужайра билан алоқа қилган тақдирда, у, жонли тўқиманинг, айниқса, протеиннинг парчаланишига ва протеин вазифаси (функцияси)нинг ўзгаришига сабаб бўлувчи кўрқинчли кимёвий реакцияни бошлаб беради.

Нанопарчаларнинг тирик организмга таъсири

Нанопарчаларнинг тирик организмга қандай таъсир қилишини ўрганиш учун дафния ва балиқларда тажриба ўтказилган

Инфузориялар (дафния) ва балиқлар устида олиб борилган тадқиқотларда аквариумга (сувга) карбон (углерод) нанопарчалари ташланган. Икки кундан кейин аквариумдаги инфузориялар тез суръатда ўлабошлаган, балиқларнинг мия ҳужайраларида эса зарарлар кузатилган.

Туркияда нанопарчаларнинг тирик организмга таъсирини ўрганган тажрибалар карбон (углерод) нанопарчаларини сувга қўшиш билан давом эттирилмоқда. Фақат бу карбон (углерод) нанопарчалари инфузорияларнинг сувига эмас, одамлар ичадиган сувга қўшилмоқда!

Бугунги кунда нанотехнология энг кенг ишлатилаётган соҳа тиббиётдир.

Нанотехнология ва ген технологияси усуллари билан гормон, фермент, витамин, аминокислота каби жуда кўп янги дорилар ишлаб чиқарилмоқда. Дорилар, озик-овқатлар, ичимликлар, туз ва сув билан инсон организмга кираётган нанопарчалар инсон вужудида қандай руҳий ва жисмоний реакцияларга сабаб бўлиши ҳали билинмапти.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, Рекомбинант ДНК дориларнинг физиологик зарарларини аниқлаш имкони йўқ. Иммуниет тизимларининг хусусиятига кўра, ҳар қандай ҳар хил физиологик бузилишлар юзага келади.

Маълумки, организмнинг руҳий ва жисмоний функцияларининг назорати, тизимлар ва аъзолар ўртасидаги мувозанат муҳофазаси, ҳужайрадаги ишловлар назорати, тўқималарнинг

озикланиши ва янгилиниши, қолдиқларнинг вужуддан чиқариб ташланиши каби ишловлар фермент ва гормонлар воситасида қилинади.

Агар бу фермент ва гормонлар синтетик бўлса, уларни қабул қилган киши бу моддаларга қарам бўлиб, синтетик модда ёрдамида бошқариладиган роботга ўшаб қолади.

Психологик уруш усталари инсоннинг руҳини гаровга олиш стратегиясини кўпдан бери амалга ошириб келишмоқда.

Ҳозирда биз кўринмайдиган бир урушнинг ўртасида яшаймиз.

Бугунги кунда дори, озик-овқат, мусика, кино, ген технологияси ва нанотехнология (психотрон ва психотроп курол саноати) инсониятни ваҳимали бир яқунга тез суръатда етаклаётгани аниқ кўриниб турибди.

Зехнни узокдан назорат қилиш чегарасиздир.

Телевизор, кино, видеокамералар, компьютер ва сунъий фазовий йўлдошлар (спутниклар) билан инсон миясига ишлов бериб, марказий бир Суперкомпьютер воситасида, инсонларнинг бутун ҳатти-ҳаракатларини идора қилиш мумкин.

Нанокөмпозит ва амалгама пломба-балари, имплантлар, протезлар, нанотехнологик маҳсулотли суяк кукуни каби дориларнинг тиш ёки милкларга ишлатилиши ҳам қутилмаган таҳликалар туғдириши мумкин.

Масалан, оғиздаги пломба чип бўлиши мумкин. Бу чип воситасида бемор “марказий компьютер”га автоматик боғланиб, унинг зехни бошқарилиши мумкин. Сунъий аъзолар (протезлар)га эга кишилар мияларига жойлаштирилган битта туз донаси ҳажмидаги микрочип протезларни ҳаркатлантиргани каби, ўша одамни ҳам узокдан бошқариш учун етарлидир.

Микрочип бўлмаса, мияга микротўлқинларни ва рақамли тўлқинларни кўл телефони билан тарқатиш мумкин.

Қатта халқаро фирмалардан со-тиб олинган нарса ва кийимларда RFID (Radio Frequency Identification – Радио -тўлқин кимлиги) чиплари мавжуд бўлиб, бу нарса ва кийимлар шу микрочиплар ёрдамида таъқиб-назорат қилинмоқда. Келажакда аҳолининг ҳамёнларида ҳам RFID чиплари бўлади. Чипларга наномолекулалар билан биргаликда нано-колбалар (нано-идишлар) ҳам жойлаштирилиши мумкин.

Зарур пайтда бу колбаларнинг ичидаги моддалар организмга инъекция (укол) қилиниши ёки олдиндан режалаштирилган бошқа йўл билан ишлатилиши мумкин. Яъни автомобиль ҳайдамасак ҳам, уяли телефон олиб юрмасак ҳам, қаердалигимиз аниқланиши мумкин, чунки организмимизда мавжуд нано-колба сунъий фазовий йўлдошдан ёки бирон бир компьютердан туриб топилиши, йўналтирилиши ва ишлатилиши мумкин.

Бугун дунё бўйича миллионларча аскар “хавфсизлик” баҳонасида яширинча микрочиплангандир.

Миллионларча уй ҳайвонлари ҳам “хавфсизлик” баҳонасида микрочиплангандир. Мингларча фуқаролар, ҳукуматлар тарафидан қилинган кундалик амалиётлар оқибатида “хавфсизлик” талаби билан микрочипланганлар.

Бир қатор сиёсатчилар ва ҳукумат вакиллари, барча маҳбус ва асирларнинг “хавфсизлиги” баҳонасида уларни микрочиплашни талаб этмоқдалар. Янги туғилган гўдакларнинг вакциналар билан микрочиплашга мажбурловчи қонунлар қабул қилиш ҳақида талаблар бўлмоқда.

Ёлпик даврлари камера тизимлари ва бошқа йўллар билан инсоннинг бармоқ излари, қафтларининг ичи, кўз қорачиғи, юзи, юриш ва юз ифодаси хусусиятларининг биоўлчамлари олинади ва бу биоўлчам аниқлаш тизимларига ўтказилиши мумкин.

Шу тарзда у инсоннинг касалликлари, заиф нуқталари, хотирасидаги яширин ёзувлар ва руҳий холи аниқланиши мумкин.

Фақат тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бу юксак технология таҳоратли ва зикрли инсоннинг руҳий ҳолатини аниқлашга кодир эмас экан...

Нанотехнология ёрдамида зехнни (онгни) назорат қилиш

Нанотехнология зехнни назорат қилиш борасидаги ривожланишнинг энг охириги босқичидир. Бу босқичида инсон биоробот (биологик баданли робот) ҳолига туширилиши мумкин.

**Ойдин СОЛИХ**

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан  
(Давоми келгуси сонда)

**ERKIN YURT**

“Эркин Юрт” интернет-газетаси  
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt  
Мустақил манбааларнинг  
маълумотларидан фойдаланилди.  
Масъул муҳаррир  
**Қамолитдин Йўлдош**